

МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ - ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ботиров М., ГулДУ ўқитувчиси

Мамлакатимизда тобора чуқурлашиб бораётган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ислохотлар янгича ҳуқуқий тафаккур, дунёқараш, эътиқод, мафкурага эга бўлишни, шунингдек аждодлардан қолган бой тарихий мерос, урф-одатлар ва анъаналарни сифат жиҳатидан юқори даражада ўрганишни тақозо этади. Бу эса ушбу жараёнларни чуқур илмий таҳлил этишнинг долзарблигини белгилаб беради. Вояга етиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда, комил инсон бўлиб етишишида миллий урф-одатларни, анъана ва қадриятларни аҳамияти қай даражада эканлиги бугунги кунда барчамизга маълум. Чунки замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга, эл-юрт равнақиға ўз ҳиссасини қўшишга қодир.

Жамият ҳаётида қонунлар, миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналар муҳим ўрин тутди. Аммо чоп этилган кўплаб илмий асарларда қонунлар ва миллий урф-одатларнинг ўзаро муносабатлари шунчаки таъкидланади холос. Ваҳоланки, қадимда илк маротаба давлатни қонунлар асосида бошқариш жорий этилган вақтларда ҳам, бугунги кунда ҳам қонун лойиҳалари тайёрланишида ёки жорий қилинишида миллий урф-одатлар ва анъаналаримизни четлаб ўтиш кузатилмайди. Улар ўзининг ички хусусиятларига, ўзаро диалектик хусусиятларига эгаки, буларни чуқур англамаслик, идрок этмаслик кишилар маънавий руҳий оламиға эътиборсизликни келтириб чиқаради. Ушбу эътиборсизлик жамиятни маънавий янгилинишиға халақит қилади. Маънавий янгилиниш эса жамиятнинг ҳар бир фуқаросига дахлдорлиги, ҳар бир кишининг орзу-истакларига, ҳаёлий интилиш-ларига мос келиши билан аҳамиятлидир.

Қонунлар ва миллий урф-одатларнинг ўзаро муносабати жамият ва инсон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу муносабатлар жамият ривож ва истиқболида катта аҳамиятға молик, масаладир.

Миллий урф-одатлар ва қонунларнинг ўзаро муносабатлари, боғлиқлик жиҳатларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам кўришимиз мумкин. Аввало Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси тайёрланиши, яратилишида аждодларимизнинг бой тарихий мероси ҳисобланган миллий урф-одатлари, анъаналари ва байрамларига алоҳида эътибор қаратилган.

Биз юқорида кўрсатиб ўтган тушунчалар илгаридан ўзбек халқининг миллий урф-одатлари, удумларининг асосий негизларидан бири бўлиб келган. Бу бебаҳо бойлик маънавий меросимизнинг таркибий қисмиға айланган. Хатто, ўз даврида давлат бошқарувида алоҳида аҳамиятға эга бўлган. “Темур тузуклари”да ҳам миллий урф-одатлар ва анъаналарға содиқлик, ҳурмат билан қараш ва бошқа шу сингари тушунчалар мавжуд.

Урф-одатларимизда миллатимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, орзу ва интилишлари, ўзлиги, ҳаётий фалсафаси ўз ифодасини топган.

Халқ оммаси миллий урф-одат, миллий байрамларимизнинг асосий ижодкорлари бўлиб, уни авлоддан-авлодға мерос қилиб қолдиради, унинг ривожланишиға асрлар давомида ҳисса қўшади. Миллий урф-одат ва қонунларнинг ўзаро муносабатлари баркамол авлодни ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий дунёқарашларни шаклланишида катта рол ўйнайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, миллий урф-одатлар, уларнинг ҳуқуқий асослари халқ турмуш тарзи ва ижтимоий ҳаётида, бугунги кун ёшлар маънавиятининг шаклланишида, инсонларни миллий руҳда тарбиялашда, мустақиллик шароитида шаклланаётган ёшларни билим доирасини кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этади.

